

**БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ ОЛУВЧИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРГА ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ
КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА №248**

«06» Январь 2022й.

Қарши шахри

Қарши шаҳар Электр тармоқлари, (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи _____ (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва "Қашқадарё вилояти ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси" (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **Нусуров Усман Нусратович** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОҲИЯТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармоқ орқали электр энергияси етказиб беришни ўз зиммасига олади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг 1-иловасида белгиланган қувватдаги электр энергиясини қабул қилиб олиш ва илова қилинадиган жадвал асосида бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни ўз зиммасига олади.

1.2. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узғаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро келишилган ҳолда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми _____ кВт.с ташкил қилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:

а) "Таъминотчи"дан шартномада курсатилган миқдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)

б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган миқдорда сақлашни;

в) электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий миқдорини чораклик миқдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1 чи ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта тақсимланишини "Таъминотчи"дан талаб қилишга ҳақлидир.

г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истеъмолчи" ўз хошишига кўра;

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган ҳолда етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни ва ҳақини тулашни рад этишга

г) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

а) Ҳисобга олиш жойи электр тармоқларнинг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги бўйича булиниш чегарасига утказилсин (истеъмолнинг ҳисобга олиниши бўлиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);

б) электр тармоқлари, асбоб ускуналарининг тегишли техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш;

в) электр энергиясини истеъмол қилишнинг урнатилган тартибига риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги носрзликлар ҳақида "Таъминотчи"га хабар бериш;

г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг иш режимида риоя қилиш шартноманинг 4-иловасига мувофиқ;

д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;

е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни ўз вақтида амалга ошириш.

2.3. "Таъминотчи"нинг ҳуқуқлари:

а) "Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳақни тулашни ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишни;

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни асосиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни "Истеъмолчи"дан талаб қилишга ҳақлидир;

в) унинг вакили тегишли амал қилиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд бўлганда электр ҳисоблагичларни куриб текширади;

г) маънавий жиҳатдан эскирган электр энергиясини индукцион ҳисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувдан утказмайди ҳамда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Қарорига мувофиқ уларни замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштирилишини талаб қилади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари;

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларини ўз муддатда бажарилишини таъминлаш;

б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатилган миқдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;

- в) электр тармоқларининг баланс бўйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган миқдорда сақлаш 3-иловага мувофиқ;
- г) электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр ускуналарининг қурилма қоидалари" 1.2.17-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;
- д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камида 3 сутка олдин оғохлантириш;
- е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул қуймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташқари тухтатилиши сабабларини хабар қилиш;
- ж) "Истеъмолчи"га электр ҳисоблагичларининг амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ алмаштириш муддатларини хабар қилиш;
- ж) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида чеклашнинг жорий этилиш ҳажми ва вақтини курсатган ҳолда 0,5 кун олдин хабар қилиш;
- з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда "Истеъмолчи"га билдириш.
- и) "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"га (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Қарорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида ҳисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Қарорига 2-илова) риоя қилинсин.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий йиллик баҳоси 3.599.100 Уч миллион беш юз туксон туккиз минг бир юз сумни ташкил этади. Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табақалаштирилган ставкада белгиланади. (*зарур бўлмагани учирлади*)

Шартнома бўйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари - 3 ва 6-сонли иловаларда берилди.

3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорида олдиндан ҳақ аванс тариқасида туланади, истеъмол қилинган электр энергияси учун қолган сумма 30 кун мобайнида тулик тулаб берилди.

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун _____ пул утказиш йули билан ҳисоб-китоб қилинади. 1) (ҳисоб-китоб қилиш шакли курсатилди)

2022 йил жам и	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
кВт												
СУМ МА												

3.4. "Истеъмолчи"нинг айби билан шартномада курсатилган ҳажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол қилинганда туланган аванс маблағлари қайтарилмайди, балки истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.5. "Истеъмолчи" ҳар ойда булиниш чегараларида урнатилган ҳисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол миқдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тўлов суммаси аниқланади.

Белгиланган шаклдаги ҳисобот "Таъминотчи"га _____ гача муддатда юборилади.

3.6. Ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда электр тармогининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр ҳисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши миқдори "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади ва тўлов учун "Истеъмолчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади. (6-иловага асосан)

3.7. Тақдим этилган белгиланган шаклдаги ҳисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га ҳисоб-фактура ёзиб беради.

Ҳар-хил тариф гуруҳига таалуқли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар ҳар бир тариф гуруҳига урнатилган ҳисобга олиш приборлари курсаткичлари бўйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга ҳар бир объект бўйича билиб курсатилган битта ҳисоб-фактура ёзиб берилди.

Қисман (тулик ҳажмда эмас) ҳақ туланганда, "Истеъмолчи" тулов ҳужжатида қайси тариф гуруҳлари бўйича тулов биринчи навбатда амалга оширилаётганини курсатиши керак. Акс ҳолда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари бўйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмоли ҳақида ҳисобот тақдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли ҳажми бўйича ҳисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол қилинган электр энергияси бўйича қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда ҳисоб-китобни амалга оширади.

Ортиқча туланган маблағлар қайтарилмасдан аванс тулови тариқасида ҳисобга олинади.

3.8. "Истеъмолчи" томонидан тегишли ойга етказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси ҳажми кийматининг _____ фоиздан кам (олдиндан тулов миқдори

курсатилсин, лекин 30 фоиздан кам булмасин) булмаган миқдорида олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси ҳар ойда етказиб берилади. Кичик ва ўрта бизнес вакиллари, кичик моторли, хусусий тадбиркорлар электр энергияси қийматининг 100 фоизи миқдорида олдиндан тулов амалга оширишлари керак.

Якуний ҳисоб-китоб эса _____ кун давомида (якуний ҳисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ошмасин) амалга оширилади. "Истеъмолчи" да электр энергияси учун _____ кундан ортиқ (муддати юқорида курсатилган) муддати утган қарздорлиги мавжуд бўлганда, аванс тулови тариқасида туланган маблағлар муддати утган қарздорликни бартараф этишга йўналтирилади ва аванс тулови тариқасида ҳисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" бир неча тариф гуруҳига эга булса, у олдиндан тулов ҳужжатида тариф гуруҳи бўйича электр энергияси суммаси ва ёки миқдорини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари бўйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

3.9. Узил-кесил ҳисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзида, "Таъминотчи" электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган туловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк орқали ҳисобот ойида етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тулов талабномаси беради.

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади 5-иловага мувофиқ.

"Таъминотчи" буюртманомаларни рўйхатдан утказиш дафтари юритади.

4.3. "Истеъмолчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш миқдори ва санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Таъминотчи"ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом булишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ ҚУЙИШ ТАРТИБИ

5.1. Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофиқ йўл қўйилади.

5.2. "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантirmасдан, бироқ унга дарҳол хабар берган ҳолда электр энергияси беришни вақтинча узиб қўйиш, тухтатиш ёки чеклашга "Таъминотчи" тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб булмайдиган чораларни куриш зарур булган ҳолларда йўл қўйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг камида 30 фоизини олдиндан туламаганда; ҳисоб-китоб ойи тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун туланмаган қарзи мавжуд булганда;

"Истеъмолчи" электр энергияси тармоғига узбошимчалик билан уланганда ёки қувват шартномада келишилган миқдордан оширилганда;

"Узстандарт" агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни ҳисобга олиш приборларига эга булмаганда;

"Таъминотчи"нинг вакили соат 8.00 дан 20.00 гача булган давр мобайнида ҳисоблаш приборларини куришга асоссиз қўйилмаганда, "Таъминотчи" электр энергияси беришни тухтатиб қўйиш ҳуқуқига эга булади.

5.4. "Истеъмолчи"да _____ ҳисобга _____ олиш _____ прибори _____ булмаганда;

ҳисобга олиш прибори "Истеъмолчи"нинг айби билан шикастланганда;

ҳисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки ҳисоблагичдан ташқари нагрузка уланганда;

фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда туланмаганда "Истеъмолчи" 1 кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармоғидан узиб қўйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб қўйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин булган, алоҳида хавф ва узлуксиз технология жараёнга эга булган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари туғрисида" ги 511-сон Қарор низомининг 1-илвасидаги рўйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати утган қарзлари вужудга келган тақдирда ҳақи туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб қўйиш эса фақат суд қарорига кура амалга оширилиши мумкин. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий қисми ҳисобланади. (7-иловага мувофиқ)

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан куп миқдорда электр энергияси етказиб берилмаган ҳолларда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси қийматининг 50 фоизидан ортиқ булмаслиги керак. Пеня туланиши "Таъминотчи"ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш

99-581-08 Ж

кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси ҳақини уз вақтида туламагани учун "Истеъмолчи" махсус ҳисоб рақамидан "Таъминотчи"га утказиб юборилган хар бир кун учун тулов суммасининг 0,1 фоизи (махсус тартибга кура электр энергияси бериладиган корхоналар учун 0.2 фоиз) микдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоиздан ортиқ булмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. "Истеъмолчи"нинг таклифига кура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан кеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги хажмларининг узгартирилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортиқча олиш деб ҳисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳам ҳақлидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавқулудда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Мазкур шартномага узгартиришлар (кушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.2. Мазкур шартномага хар қандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Ушбу шартнома иккала томонлама имзоланиб ҳудудий Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга киритилиб, рўйхатдан утказилган кундан бошлаб 2021 йилнинг 31-март гача амал қилади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг хар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг хар иккала нусхалари тенг юридик кучга эга!

XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

Қарши шаҳар электр тар.корхонаси

Қашқадарё вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси

(мол етказиб берувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Қарши шаҳар И.Қаримов кучаси

Манзил: Мустақиллик 22

Тел./факс _____

Тел./факс 227-68-50

х/р 22636000900177786343
Банк номи: Узсаноат - қурилиш банк
МФО: 00854 СТИР: 200666494
ОКОНХ _____

х/р :1000218601040170897001134001
бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 200667439
ОКОНХ 84100
Ғазначилик бўлинмаси номи Қашқадарё Ғазначилик бўлинмаси
Ғазна х/в: 23402000300100001010


Раҳбар _____

Банкнинг номи МБББ ХККМ Қошкент

МФО 00014

ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919

Раҳбар: У.Нусуров



Ҳуқуқшунос ҳулосаси:

Ушбу шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий - ҳуқуқий базаси туғрисидаги қонун ва Вазирлар маҳкамасининг бу борадаги қарорлари талабларига зид келмайди.

Ҳуқуқий маслаҳатчи _____

Handwritten signature of the legal consultant.